ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 91 (4550).

11 МАЙ ПАЙШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИ ҚЎЙЧИЛИК СОВХОЗИДА

«Оҳангарон» совхози Оҳангарон водийсининг тоғ бағрига жойлашган. Унинг «Серго» бўлимида янги қўйчилик совхози ташкил этилди. Совхоз ишчилари қўйчиликни ривожлантириш учун ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Шу мақсадда янги ерлар ўзлаштирилаётир. Эски ерларни ишга солмоқдалар. Масалан, «Оқтерак» сойдаги тўқайзор, қамишзор ерларни ўзлаштириб, Йўлдош Ҳунаров бошлиқ маккажўхорикор ва шоликорлик бригадаси ташкил этилди. 10 кишидан иборат бу бригада аъзолари 198 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Улар ўзаро социалистик мусобақани кучайтирган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Чунончи, совхоз ишчиларидан Ж. Хатамов, Н. Абдуллаев, А. Абдураҳмоновлар ариқ, зовурларни тозалашда яхши хизмат қилдилар. Тракторчилардан Б. Тўйчиев, Э. Бобоевлар ер ҳайдашда астойдил ишлаб, кунлик нормаларини ошириб бажардилар, 130 гектар ерга «ВИР—338» навли маккажўхори экдилар. Улар дон учун экилган ҳар гектар маккажўхоризордан 30 центнердан дон ва 380 центнердан қўқпоя олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Ангрендаги ремонт-механика заводи коллективи зиммасига жуда масъулиятли вазифа юклатилган. Кўмир конларида фойдаланилаётган турли-туман машина-механизмлар — экскаваторлар, транспортёрлар ва бошқа агрегатлар шу ерда қайта тикланади.

Ремонтчилар тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам давлат планларини муваффақиятли бажаришга астойдил ҳаракат қилишяпти. Шу мақсадда социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар, ремонт ишларининг прогрессив усулларини тобора кенг қўлланишяпти. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, меҳнатни илмий уюштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу туфайли коллектив меҳнати натижаси самаралн бўлмоқда. Ўтган биринчи квартал мобайнида бир қанча экскаватор ва бошқа қончилик агрегатлари ҳаётга қайта йўлланма олди. Маҳсулот реализация қилиш топшириғи 102,5 процент қилиб бажарилди. Ишлаб чиқаришнинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам бирмунча яхшиланди.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Олмалиқдаги 6-ғишт завод лари бошқармаси коллективи тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлаш, СССР ташкил топган кунинг 50 йиллигини муносиб тортиқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдирмоқда.

Мусобақа натижалари ҳар ойда якунлаб турилмоқда. Пешқадам коллективлар ва айрим ишчиларнинг баракали меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Уларга корхонанинг кўчма Қизил байроғи, вимпеллари ва пул мукофотлари берилмоқда.

Ўзаро мусобақа асосида ишлаш яхши натижа бермоқда. Ғишт тайёрлаш давлат планлари ой сайин ортиғи билан адо этилаяпти. Шу йилнинг биринчи квартали ҳам анча дуруст якунланди. Пландагидан ташқари областимиз қурилишларига 400 мингта пишиқ ғишт етказиб берилди. План 102,2 процент бажарилди.

Бошқарма заводлари ўртасидаги ўзаро мусобақада биринчи ва иккинчи заводлар коллективлари голиблик қилишмоқда. Улар планга қўшимча бир неча юз минг дона ғишт ишлаб чиқардилар. Евстафьева , Лим, Фозилов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган сменалар ишчиларининг меҳнати баракали бўлаяпти.

«СЕВЕРНИЙ МАЯК» колхози Ўрта Чирчиқ районидаги йирик ва пешқадам хўжаликлардан бири. Бу ерда, ҳар йили «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирилаётир. Хўжаликнинг азамат пахтакорлари бу йил ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар. Ана шу мажбуриятларни шараф билан адо этиш мақсадида улар зўр ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Айниқса, механизаторлардан У. Ермекбоев, З. Соатов, П. Мамбетов ўртоқлар меҳнатда алоҳида намуна кўрсатишяпти. Улар пландаги 5 гектар ўрнига ҳар куни 6—7 гектар майдондаги ғўзага сифатли ишлов беришмоқда. Суратда: ғўзаларга биринчи ишлов бериш пайти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Ҳасанбой ЭРГАШЕВ ҳикоя қилади

КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланган колхозимиз аъзолари беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, янги марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар.

Колхозимизда тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида анча яхши кўрсаткичларга эришилди. Давлатга 3059 тонна, пландан ортиқча 849 тонна пахта сотилди, ҳар гектар пахта майдонидан олинган ҳосил 33,1 центнерга етказилди. Пахтанинг 63 процента машиналарда териб олинди. 200 гектар майдонда пландаги 3200 тонна ўрнига 3603 тонна каноп ҳосил етиштирилди. Чорва, пилла ва бошқа хил маҳсулотлар сотиш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Шунинг учун даромад мўл бўлди. 1 миллион 453 минг сўм ўрнига, 2 миллион 159 минг сўм даромад олинди. Ҳар бир иш кунига 5 сўм 76 тийиндан ҳақ берилди. Эндиги вазифа эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан бирга қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришдан, бешинчилликнинг иккинчи йили планларини муваффақиятли бажаришдан иборат.

Бу йил колхозчиларимиз 925 гектар майдондан 3100 тонна пахта олиб, ҳосилдорликни 33,5 центнерга етказиш, етиштирилган ҳосилнинг 75,5 процентини машиналарда териб олишга, 200 гектар майдонда 4000 тонна каноп ҳосили етиштириб, ҳосилдорликни гектар бошига 200 центнерга етказишга қарор қилишган.

Бултур Жумақул Пиримқулов, Қодир Суяров, Алибой Холбоев, Наим Абдуазизовлар бошлиқ бригада аъзолари айниқса яхши ишлаб, ҳар гектар ердан 34—35 центнерга етказиб ҳосил олган эдилар. Лекин, 4 бригада, 13 звенода план ошириб бажарилган бўлса ҳам, ҳосилдорликда колхоз даражасидан паст бўлди. Ана шу бригада, звено аъзолари кузда экин майдонларига 400 килограммдан суперфосфат ва 10—11 тоннадан гўнг солиб ерларини шудгор қилишди. Тўла гектарлар учун кўрашиб, пахта майдонига ер қўшишди.

Умуман, мажбуриятни сўзсиз бажариш учун ҳамма бригадаларда ердан тўла ва тўғри фойдаланишга катта аҳамият берилди. Қодир Суяров бошлиқ бригадада 9 гектар, Жумақул Пиримқулов бошлиқ бригадада 3 гектар, Наим Абдуазизов бошлиқ бригадада 5 гектар партов ер экин майдонига айлантирилди.

Бултур шоли планини бажаролмадик. Биз йўл йўйган камчиликларимизни ўзаро муҳокама қилдик ва 70 гектар ерга шоли экишни планлаштирдик. Бу бултургидан 25 гектар кўп. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олишга, жами 315 тонналик хирмон кўтаришга қарор қилдик.

Шунингдек, бу йил сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлиги ва умумий маҳсулоти анча оширилади. 105 тонна сабзавот, 330 тонна қовун-тарвуз, 46 тонна картошка етиштирилади.

Колхозимиз чорвадорларининг ҳимматлари ҳам баланд. Улар қорамоллар сонини 370 бошга, шундан сигирлар сонини 135 бошга, 121 бош бузоқ олиш, ҳар бир сигирдан 2500 литрдан сут соғиб гўштга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазнини 400 килограммгача етказишга, давлатга 23 тонна гўшт, 129 тонна сут сотиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Чорвадорларимиз зотли ола-қора сигирлар сонини кўпайтириш учун алоҳида аҳамият бермоқдалар. Шу мақсадда 30 бош зотли ғунажин алоҳида парваришқилинмоқда.

Колхозимизда қўйчилик, балиқчилик ҳам ташкил этилди. 3 гектарли ҳовузда балиқ боқиляпти. 20 бош ота қўён олинди. Уларнинг ҳар биридан 20 бошдан бола олинади.

Чорва учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш катта аҳамиятга эга. Бу йил ҳар гектар беда-поядан 120 центнердан беда, дон учун экилган маккажўхоридан 40 центнердан дон, силос учун экилган маккажўхоридан 400 центнердан кўкпоя олинади. Шу мақсадда 140 гектар эски беданинг 62 гектари сийрак бўлгани учун қўшимча урўғ экилди.

Бу йил асосий мақсадимиз ерлардан унумли фойдаланиб, барча турдаги экинлар ҳосилдорлигини оширишдан иборат. Бунинг учун тўла гектар ҳосил қилинмоқда, ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланмоқда. Бойлигимизнинг асосий манбаи бўлган еримизни қадрлашга эътибор кучайтирилмоқда. Шунинг учун ҳам юқорида айтганимиздек пахта майдонлари ўртасидаги уватлар, йўллар, бекорчи ариқлар ҳисобига бригадаларда талай ер очилди, пахта майдонларида ҳақиқий тўла гектарлар ҳосил қилинди. Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун 3 километр узунликда янги зовур казилиб, ер ости сувлари анча пасайтирилди.

Хуллас, суғориладиган ҳар гектар ердан тўла фойдаланиш учун колхозчиларимиз, механизаторларимиз, барча активларимиз астойдил курашмоқдалар. 1972 йил учун олинган юқоридаги юксак мажбуриятни сўзсиз бажариш мақсадида пухта замин яратмоқдалар.

МАМЛАКАТИМИЗ ҒАЛАБА КУНИНИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАДИ

МОСКВА

9 май — совет халқи фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонган кунда КПСС Москва шаҳар комитети ва область комитети бюроларининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, Москва шаҳар совети ва Москва область совети ижроия комитетининг аъзолари, район партия комитетларининг секретарлари Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабрига келишди. Улар КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва совети номидан, КПСС Москва область комитети ва Москва область совети номидан номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко, СССР Мудофаа министрининг ўринбосарлари, Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, генераллар ва адмираллар ҳам номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

ЛЕНИНГРАД

«Ҳеч ким ва ҳеч нарса эсдан чиқарилган эмас!» Пискаревдаги ёдгорлик қабристонининг гранит тошларида ўйиб ёзилган ана шу сатрлар кишиларнинг қалбига жо бўлиб, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга даъват этади. 9 майда ёдгорликнинг тантанали — мотам маросими ўтказилдиган майдонда жангларда ҳалок бўлган ленинградликларнинг қардошлик қабрларига гулчамбарлар қўйилди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар бир минутлик сукут ичида ҳалок бўлганларни ҳурматлаб эсга олдилар, жанговар шуҳрат ифодаси бўлган байроқларни муқаддас қабрлар узра эгдилар. Тўплардан ўқ узиб салют берилди.

БРЕСТ

Брест қалъасининг гарнизони гитлерчи галаларнинг зарбаларига биринчи бўлиб бардош берган гарнизонларнинг бири эди. Ҳозир бу қалъа устида ғалаба байроғи мағрур хилпираб турибди.

Шаҳар меҳнаткашларининг колонналари 9 майда ёдгорлик комплексининг маросимлар ўтказиладиган майдонига қараб йўл олдилар.

ВОЛГОГРАД

9 майда Волга бўйидаги истеҳком ҳимоячиларининг қардошлик қабрига гулчамбарлар қўйилди. Бу ердаги мангу ёниб турган машъал ёнига келганлар орасида Сталинград жанги вақтида тилларда достон бўлиб қолган 62- армия қўмондони Совет Иттифоқи маршали В. И. Чуйков, шаҳар ҳимоячилари — Павлов уйининг «эгаси» — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Я. Ф. Павлов, машҳур снайпер В. Г. Зайцев ва бошқа кўп кишилар бор эди.

Волгоград аҳолиси ва унинг меҳмонлари Мамаев қўрғонида бўлдилар.

РОССОНИ (ВИТЕБСК ОБЛАСТИ)

9 майда партизанлар ўлкасининг собиқ маркази бўлган ана шу посёлкада немис-фашист босқинчиларига қарши кураш ветеранлари тўпланишди. Митингда партизанлар бригадасининг собиқ комиссари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров нутқ сўзлади.

ПЕТРОПАВЛОВСК—КАМЧАТСКИЙ

9 майда Ватанимизнинг узоқ шарқ чегараларидаги шаҳарнинг минг-минглаб аҳолиси Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг Куриль оролларини япон империалистларидан озод қилиш учун кураш вақтида ҳалок бўлган жангчилари хотирасига озодлик майдонида ўрнатилган ҳайкал ёнига келди. Бу ерда митинг ва тантанали вазиятда гулчамбарлар қўйиш маросими ўтказилди.

РИГА

Доимий машъал ёнида Рига гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули саф тортди. Неча минглаб ригаликлар, Болтиқ бўйи округининг жангчилари икки марта Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган Болтиқ флотининг денгизчилари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари тантанали—мотам маросимига тўпланишди.

Латвия Компартияси ва республика ҳукуматининг раҳбарлари мангу алангаланиб турган машъал ёнига гулчамбарлар қўйишди.

* * *

9 май кечқурун Москва осмонида байрам шарафига мушаклар порлади. Ватанимизнинг пойтахтида фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба кунининг 27 йиллигини нишонлаш учун тўплардан ўттиз марта ўқ узилиб салют берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар—Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Мурманск, Свердловск, Новосибирск, Хабаровск, Владивосток шаҳарларида тўплардан ўқ узилиб байрам салюти берилди.

АБАДИЯТ ОБИДАСИ

РОСТОВ-ДОН, 8 май. [ТАСС мухбири]. Даштдаги қўрғонда, баланд супа устига танкка қарши ўт очадиган тўп ўрнатилган. Мармар лавҳаларга олтин ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган: «Бу ерда 1941 йил 17—18 ноябрда 56-армия 317-ўқчи дивизиясининг артиллерячилари сўнмас жасорат кўрсатдилар. Батарея командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сергей Андреевич Оганян, сиёсий раҳбар, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сергей Васильевич Вавилов». «Ватан, фарзандларининг шижоати авлодлар қалбида абадий яшайверади!».

Бугун обида-ҳайкалнинг очилишига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Ростов область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Маълумки, гитлерчи босқинчиларга қарши Улуғ Ватан уруши даврида ўртоқ Л. И. Брежнев армиянинг сиёсий бўлимига ҳамда жанубий ва 4-Украина фронтларининг сиёсий бошқармаларига бошчилик қилган, жанговар операцияларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда актив қатнашган, Кавказ учун, Қрим ва Украинани озод қилиш учун олиб борилган тарихий жангларда қатнашган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ростовликлар ва Доннинг барча меҳнаткашларни Советлар мамлакатининг эркинлиги ва мустақиллигига, Октябрнинг сўнмас ғалабаларига тажовуз қилган фашист босқинчиларга қарши олиб борилган буюк халқ урушн қаҳрамонлари хотирасини шу қадар ардоқлаётганликлари учун уларга қизғин миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев тантанали митинг қатнашчиларига, Ростовдаги жанг ветеранларига, барча ростовликларга самимий салом йўллади ва совет халқи олдига партия XXIV съезди қарорларида қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилаб, энг яхши истаклар билдирди.

Митингда Қизил Байроқ ордени Шимолий Кавказ Ҳарбий Округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Д. И. Литовцев, Ростов ва Мясников райони меҳнаткашларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номига жавоб мактубини баланд руҳ билан қабул қилдилар.

Ростов-Дон меҳнаткашларининг вакиллари, жангчилар, теварак атрофдаги районларнинг қишлоқ меҳнатчилари, қаҳрамон артиллерячиларнинг қариндош-уруғлари Мясников районидаги Большке сали қишлоғидаги қардошлар мозорига гуллар қўйишди. С. А. Оганян, С. В. Вавилов ва уларнинг жанговар ўртоқлари шу мозорга дафн қилинганлар.

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

9 майда шаҳар меҳнаткашлар коллективларининг минг-минглаб вакиллари Улуғ Ватан уруши даврида Тошкент госпиталларида вафот этган жангчилар дафн қилинган қабристонга солдатлар, офицерлар ва генераллар билан бирга келишди. Қаҳрамонларнинг қабрларига гуллар қўйилган. Бу эса ўз қаҳтини Ватан озодлиги ҳамда мустақиллиги учун жонини фидо қилган қаҳрамонларга халқимизнинг самимий миннатдорчилиги рамзидир. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий Округи ҳарбий Советининг, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг, шаҳардаги корхоналар, муассаса ва ўқув юртларининг, ҳарбий қисмларининг гулчамбарлари қабрларга қўйилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимнин, С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. Р. Расулов, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Турсунов гулчамбарлар қўйишди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар бир минутлик сукут сақлаб Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчиларнинг хотирасини ҳурматлаб эсга олишди. Фахрий қоровул саф тортиб турди. Қабристонда митинг ўтказилди.

Халқ бахт-саодати учун олиб борилган жанг қаҳрамонлари хотирасига бағишланган тантанали маросимлар шаҳарнинг бошқа районларида ҳам бўлиб ўтди.

Ғалаба куни шарфига Тошкент парклари ва майдонларида халқ сайллари уюштирилди. Кечқурун республика пойтахтида байрам шарафига салют берилди. (ЎзТАГ)

ПИЛЛАЧИ ОПА

Кўчанинг икки тарафи қатор тутзор. Бундан икки ҳафта аввал Улбозор бу кўчалардан серташвиш ўтганди. Тут навдаларига, найчаланган куртакларга қараб: «Қачон барг чиқаради-я, кечикиб кетяпти, кунининг иссиғига қоладиган бўлдик» деб ичичидан куйинганди. Мана, ўтган ҳафта ичи сурункасига икки-уч ёмғир қуйиб берди-ю, тонг отарда Улбозор ям-яшил дарахтларни кўриб қувониб кетди. Дарахтлар кун сайин эмас, соат сайин яшнаётгандай эди. Энди у аввалгидай юраги қуртхонага увишмай дадил кириб келди. «Жонивор ларей, сенларга мана барг ҳам кўпаядиган бўлди» пичирларди лаблари.

Улбозор хонадаги ялтовга қаради-да, ҳароратнинг нормаллигига қанот ҳосил қилгач, асбобларни қўлга олиб барг қирқишга чиқиб кетди. У янги тутзордаги баргга қўл урганч келмас, «булар катта даҳаларга турсин» дерди, эски тут плантациясига йўл олди. Ҳозирча пастки навдалардаги бачки барглардан бериб турай, ўйлади. Бўлмаса колхоз 122 гектар майдонда тут плантацияси яратган ,шундан 95 гектар жойдаги тут ҳосилга кирди. бироқ колхоз ҳам катта. Шунга қараб пилла етказиш мажбурияти ҳам ошиқ. Улар 520 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 64 килограммдан пилла топширган юзасидан социалистик мажбурият олишган.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Улбозор Қисдовбоевانинг ўзи эса ўтган йили бир қути уруғдан 92 килограмм пилла топширган эди. Бу йилги нияти 100 килограммга чиқариш. Шунинг учундир пиллачи эрта кўкламданоқ серташвиш эди. Узоққа чўзилган қиш оқибатида тутларнинг барг чиқариши қийин бўлди. Ҳар йилдаги мўлжалга нисбатан ками билан ўн кун кеч бўлди. Баргнинг тайини бўлмаганч учун ҳам инкубаториядан уруғ тарқатилмай турди. Улбозор шулар ҳақида ўйлаганда қандай қилиб энди вақтни қисқартиш, тез орада йўқотилган кунлар ўрнини тўлдириш режасини тузарди. «Яхши боқиш, тез-тез ғаналаб туриш зарур, салқин бўлса, тоза ҳаво кириб турса ташқаридаги ҳароратнинг иссиғи ҳам билинмайди» деб таъкидларди ўзича. У шу ниятлар билан меҳнат қиларди, сўкчаклар атрофида парвона юриб, қуртларга барг соларди. Кираверишдаги даҳлизни ҳам барг сақлайдиган салқин жой қилиб қўйган. Тунлари ҳам икки-уч туриб хабар олар, тайёрлаб кесиб қўйган баргни бериб чиқарди. Унинг қуртлари ҳадемай ўйқуга киради. Шунда пиллачи даста ҳозирлашга киришади.

Улбозор Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг пиллачиси. Ана шу шарафли касб туфайли элатн ҳурмат эътиборини қозонди. Нозик, масъулиятли ишни жон-дили билан севиб бажаргани учун ҳам йил сайин пилла ҳосилини оширишда янги марраларни эгаллади. Шароити оғир бўлган бу йил ҳам у қийинчиликни енгди, ипак қуртларини меҳр билан парваришлаб ўстириб олди.

Ҳозир унинг кўксини орден ва медаллар безаб турибди. «Правда»ликлар Улбозорни нишондор опамиз дейишади.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

БУГУН ТОШКЕНТДА УЗБЕКИСТОН «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ VII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

Бугун Тошкентда республика «Билим» жамиятининг VII съезди очилади. Узбекистон лекторларининг бу улкан анжуманк VI съезддан кейинги ўтган давр ичида оғзаки пропаганданн ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ишларни якунлайди ҳамда партия тарихий XXIV съезди кўрсатмалари асосида жамият аъзолари олдида турган янги вазифаларни белгилайди.

Пойтахт область зиёкорлари ҳам бу съездга катта тайёргарлик билан келдилар. Куни кеча «Тошкент ҳақиқати» муҳбири «Билим» жамияти область ташкилоти правленеснинг раиси, фалсафа фанлари доктори профессор Э. Юсупов билан суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатнинг баёни эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

— Эркин Юсупович, «Билим» жамияти область ташкилоти аъзоларининг кейинги йиллардаги тарғиботчилик ишларини қисқача хулосалаб берсангиз.

— Аввало шуни айтиш керакки, бундан бир ойча илгари «Билим» жамияти Тошкент область ташкилотининг XI конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ташкилотимизнинг сўнгги икки йиллик тарғиботчилик соҳасидаги ишларига якун ясади ҳамда олдимизда турган янги вазифаларни белгилади. Кейинги икки-уч йил ичида мамлакатимиз ҳаётида жуда катта тарихий воқеалар рўй берди. Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг бир асрлик юбилейи, фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги нишонланди. Жонажон партиямизнинг тарихий XXIV съезди бўлиб ўтди. Қатор бошқа саналар байрам қилинди. Ватанимизнинг ички ва ташқи ҳаётида йирик воқеалар содир бўлди. Табиийки, жамиятимиз ижодий фаолиятининг мундарижасини ана шу муҳим саналар ва воқеалар белгилаб берди.

Жамиятимиз аъзолари улуғ Ленин ғояларини, марксизм тантанасини кенг халқ оммасига етказиш, халқимиз коммунистик қурилиш жараёнида эришаётган оламшумул тарихий ютуқларни чуқур ва таъсирчан қилиб тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Биргина 1970 йилнинг ўзида тўрт мингдан ортиқ лектор В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятини оммага тушунтиришда актив иштирок этди, марксча-ленинча назариянинг актуал проблемалари, партия тарихи ва сиёсати, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати экономика ва маданият масалалари юзасидан лекциялар ўқишди. Областда 365 та ленинча лекторий иш олиб борди. Икки йил ичида 125 та илмий-назарий конференция, тематик савол-жавоб кечалари ўтказилди. Биргина шу йилнинг ўзида Янгийўл, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларида тематик илмий-назарий конференциялар ва савол-жавоб кечалари ўтказилди. Бундай қизиқарли тадбирларни ўтказишда жамиятимиз аъзолари бўлган тошкентлик олимлардан: фан докторлари Х. Расулов, А. Раззоқов, С. Носирхўжаев, фан кандидатлари М. Содиқов, К. Орипов, М. Нишонов, Э. Ҳайитбоев, М. Кутлиқов, Б. Маннонов, Н. Саидов, А. Усмонов ва неча ўнлаб бошқа ўртоқлар яқиндан ёрдам бердилар.

Агар тарғиботчилик соҳасида қилаётган ишларимизни рақамлар тили билан ифодалайдиган бўлсак, шуни айтиш керакки, кейинги уч ярим йил ичида область меҳнаткашларига 220 мингга яқин лекция ўқилди. Лекторларимиз сафи ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан тўхтовсиз яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда область жамиятининг ўн мингдан ортиқ аъзоси бор. Улар олимлар, турли соҳаларнинг мутахассислари, партия, совет, касаба союз ва комсомол раҳбар кадрлари, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, инқилоб ва меҳнат ветеранлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, қисқаси, турли-туман касб соҳибларидир.

— Меҳнаткашларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашда, уларнинг сиёсий ва назарий билимларини оширишда халқ университетларининг роли катта. Жамият йўли билан шу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, халқ университетлари зиммасига катта вазифалар юклатилган. Халқ университетлари янги кишини тарбиялаб воғга етказишда партиямизга яқиндан ёрдам бериши зарур. Ҳозирги вақтда областимизда 112 та халқ университети ишлаб турибди. Уларда 15 мингга яқин тингловчи бор. Кўпгина халқ университетларимизда машғулотлар вақтида, қизиқарли ва таъсирчан ўтмоқда. Янгийўл шаҳридаги эксперименталь колбаса заводида ташкил этилган икки йиллик сиҳатсаломатлик халқ университети фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Завод ходимларидан 160 дан ортиқ киши университетнинг доимий тингловчиси ҳисобланади. Дастлабки машғулотларданоқ тингловчиларда қизиқиш ортаборди. Чунки бу ерда ҳар бир машғулот ёки лекция кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилади. Завод ҳодимларидан 160 дан ортиқ киши университетнинг доимий тингловчиси ҳисобланади. Дастлабки машғулотларданоқ тингловчиларда қизиқиш ортаборди. Чунки бу ерда ҳар бир машғулот ёки лекция кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилади. Завод ходимларидан 160 дан ортиқ киши университетнинг доимий тингловчиси ҳисобланади. Сафимизда хотин-қиз лекторлар ҳам кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.

Шунингдек Ангрен, Янгийўл шаҳарларида, Келинин ва Янгийўл районларида ҳам лекторлар маҳорати мактаблари ишлаб турибди. Чирчиқда ҳар ойда мунтазам равишда лекторларнинг семинар-кенгашлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари область ташкилоти кейинги икки йил ичида 80 га яқин лекция текстларини тайёрлаб, лекторларга ва халқ университетларига юборди.

Биз яқин вақтлар ичида областимиздаги барча шаҳарлар ва районларда лекторлар маҳоратини ошириш мактабларини очмоқчимиз.

Хулоса қилиб айтиш керакки, областимиз зиёкорлари оғзаки пропаганданинг сехрли сафарбарлик кучидан фойдаланиб, меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва маданий савиясини кўтариш, уларнинг диққат-эътиборини партия ва ҳукуматимиз белгилаб бераётган муҳим вазифаларга қаратиш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

ОБЛАСТИМИЗДА лекторлар маҳоратини оширишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир область партия комитети ва «Билим» жамияти область ташкилоти томонидан очилган учта лекторлар маҳоратини ошириш мактаби ишлаб турибди. Булар—халқаро лекторлар, атеист лекторлар мактаблари ҳамда турмуш маданияти ва ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш бўйича хотин-қиз лекторлар маҳоратини ошириш мактабидир. Суратда: турмуш маданияти ва ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш бўйича лекторлар маҳоратини ошириш мактабининг навбатдаги машғулотида.

А. Абалян фотоси.

ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Районимиз зиёкорлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезднинг тарихий қарорлари ва ҳужжатларини оммага тушунтириш ва уларнинг диққат-эътиборини янги беш йиллик вазифаларига қаратиш соҳасида анчагина ишлар қилдилар. 1971 йили районимиз аҳолиси орасида 3,5 мингга яқин лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказилди. Пропаганданинг савол-жавоб кечалари, мунозара, оғзаки журнал, семинар ва илмий назарий конференциялар каби турларига катта эътибор берилмоқда.

Қишлоқда лекция пропагандасини авж олдиришда бизга маҳаллий лекторлардан Х. Азимжонов, Д. Содиқов, Р. Дадабоев, М. Пўлатов, А. Анорбоев, Х. Худоёров, шунингдек пойтахтлик олимлардан: фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Юсупов, тарих фанлари кандидатлари Б. Маннонов, Э. Ҳайитбоев, М. Нишонов каби ўртоқлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Бу ўртоқларнинг лекцияларини қишлоқ меҳнаткашлари ҳамиша эътибор билан тингласаси, чунки, уларнинг ҳар бир сўзи мазмундор ва таъсирчан бўлади.

Партия XXIV съезидан кейин ўқилаётган лекция-суҳбатлар тематикаси анча бойди. «Халқ фаровонлигини ошириш — партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади», «Халқлар дўстлиги — ютуқларимиз гарови», «Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсат тантанаси», «Пахта — ўзбек халқининг миллий нефтихори», «Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти» сингари темалардаги лекциялар пропаганда ишларимизда асосий ўрин эгаллайди.

Партия Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори зиёкорлар олдига янги вазифалар қўйди. Пропаганда ишларимизда янги давр бошланди. Шонли юбилейга тайёргарлик даври учун тузган планимизда халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми темасига катта эътибор берилди. «В. И. Ленин — СССР бунёдкори», «Партия — халқлар дўстлиги байроқдори», «В. И. Ленин Ўрта Осиё халқлари тақдирида», «СССР ташкил этилганлигининг халқаро аҳамияти» сингари ранг-баранг темаларда қўқилаётган лекцияларни, суҳбатларни дала меҳнаткашлари берилиб тингламоқдалар.

Биз — қишлоқ зиёкорлари дала меҳнат аҳлининг асосий диққат-эътиборини партиямиз белгилаб берган янги вазифаларга қаратиш, уларнинг фикр доираси ва маданий савиясини тинмай ошириб боришни ўз шарафли бурчимиз деб биламиз.

М. ЎРИНБОЕВ,
«Билим» жамияти Бўка райони ташкилотининг масъул секретари.

ЖЎШКИН ҚАЛБ

ЛАВҲА

Область «Билим» жамияти ташкилоти президиумига келаётган табрик телеграммаларининг ниҳояси кўринмайди. Уларнинг аксарияти лекторлар отахони Муҳаммад Саидович Бақоев номига йўлланган. Унинг суҳбатини эшитганлар Муҳаммад аканн ғалаба байрами билан қизғин қутлашибди.

Ҳамиша ҳаммадан ҳам кўп табрикномани Муҳаммад ака олади. Унинг дўстлари ҳам бир олам. Муҳаммад ака меҳмон бўлмаган колхоз ёки корхона, маҳалла ёки ўқув юрти қолмади ҳисоб, ҳозир. Айниқса, Октябрь байрами нишонланадиган кунлар арафасида Муҳаммад аканинг қўли-қўлига тегмайди. Чунки, у революция оловларини ўз кўзи билан кўрган, чоризмни агдаришда фаол қатнашган, доҳимиз В. И. Ленин билан суҳбатда бўлган. Шу боисдан ҳам одамлар Ильични кўрган кўзларни кўргиси, Ильич ҳақидаги жонли учрашувлар тафсилотини билгиси келади. Муҳаммад ака эса одамлар билан суҳбатлашишдан, улар билан учрашишдан ҳеч эринмайди. Бироз вақти бўлдими, дарров қишлоққа отланади.

Сўнгги учрашув Бекобод металлургларн билан бўлган эди. Муҳаммад ака заводга тушки танаффус пайтида етиб келди.

— Гапирадиган гапингизни ўттиз минутга сигдирсангиз, бўлмаса ишчиларнинг овқатланишига вақт қолмайди,— деди партком секретари лекторга.

— Хотиржам бўлинг. Мен фақат керакли гапларни айтаман холос,— деди Муҳаммад ака табассум билан.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Муҳаммад ака йиғилганларга Ильичнинг биринчи коммунистик шанбаликдаги иштироки ҳақида сўзлаб берди. Ўшанда ёш ўзбек йигити Кремлда курсант эди. Ильич эрта билан келиб курсантлар билан самимий суҳбатлашган эди. Дзержинский, Крупская, Оржоникидзе каби партия ва ҳукуматимиз раҳбарлари суҳбатни ҳам у марок билан тинглаган эди. Мана шу унутилмас учрашув ҳақида у ишчиларга сўзлаб берди. Металлурглар бутун вужудлари билан лекторнинг суҳбатига қулоқ тутишди. Ильичнинг қанчалик содда, меҳнатсевар, самимий инсон бўлганлигига қойил қолишди. СССРнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу суҳбат давомида ишчилар ҳам сўзга чиқиб, Ильич орзуларининг қандай рўёбга чиқаётганлигини ўз корхоналари мисолида сўзлаб бердилар. Шундан сўнг ҳар бир металлург шонли сана шарафига ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар олди.

Муҳаммад Саидовичнинг суҳбатлари одатда ранг-баранг мавзуларда боради. У кўпни кўрган коммунист эмасми, шунинг учун ҳам ҳар бир суҳбат давомида ўз бошидан кечирганларини қисқа бўлса-да гапириб ўтади. Муҳаммад ака етти ёшдан бошлаб отаси билан Чоржўй шаҳрида маҳаллий бойлар қўлида меҳнат қила бошлади. Ўша даврдаги ҳақсизликларни ўз кўзи билан кўрди. Мавжуд ижтимоий тузумга нисбатан нафрати оша борди. Шу боисдан ҳам янги ҳаёт учун бошланган курашнинг олдинги сафларида борди. Инқилоб неъматларини ҳимоя қилиш учун босмачилар билан жанг қилди, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши йилларида мардлик намуналарини кўрсатди. Запасдаги подполковник Муҳаммад Бақоев ўша кунларни бир зум бўлсада ёдидан чиқармайди. Суҳбатлар давомида оловли йиллар хотирасини эслаб ўтади.

Ўтган йилларда одамлар Муҳаммад аканинг уч мингдан ортиқ лекция, суҳбат ва докладларини тингладилар. У армия хизматидан қайтгач, лекторлар сафига қўшилган эди. Шу-шу коммунизм ғояларини кенг пропаганда қилишда, оммани Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаяпти.

СССРнинг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан Муҳаммад Саидовичнинг ишлари анча кўпайиб қолди. У тарих саҳифаларига яна бир назар ташламоқда. Жавонларда тахлоғлиқ турган китоблар, газета ва журналларни яна бир бор варақлаб чиқаяпти. Чунки у суҳбатлар давомида кўпчилик эътиборини СССР ташкил топган даврдаги тарихий шароитга қаратмоқчи. Ўша пайтдаги ғалаба ва муваффақиятлар нақадар қийинчилик билан қўлга киритилганлигини, революция ғалабаларини кўз қорачиғларидек асраш лозимлигини алоҳида таъкидламоқчи. Ғалабаларимиз гарови дўстлик ва қардошликда эканлигини уқтирмоқчи.

Тажрибали лекторни қачон қарасангиз мутолаа устида кўрасиз. Суҳбатлар давомида ҳар хил саволлар туғилиб қолиши мумкин. Бу саволларга аниқ жавоб бермоқ учун кўп нарсадан хабардор бўлмоқ лозим. Шунда лекторнинг сўзи таъсирли ва омма ўртасидаги обрўйи баланд бўлади. Муҳаммад ака, шунинг учун бўлса керак, доимо ўқигани-ўқиган. Фикр доираси кенг бўлганлиги учун ҳам тарихий воқеалар билан ҳозирги замонни моҳирлик билан бир-бирига боғлай олади. Суҳбатлари ҳеч қачон узилиб қолмайди.

— Суҳбат мавзуи йигирманчи йилларга бағишланган бўлишидан қатъий назар совет кишиларининг тўқкизинчи беш йилликда қўлга киритаётган ютуқларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир,— деб маслаҳат беради кекса лектор. Чунки, мана шу бахтли ҳаётни деб ўша йилларда одамлар қон тўккан. Уларнинг қони беҳуда тўкилмаганлигини исботлаш учун совет кишилари қўлга киритаётган муваффақиятларни яна бир бор шарҳлаб кўрсатиш, одамларни олға томон отлантириш, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлаш лозим бўлади. Суҳбатдошларнни ишонтира олган лектор ўз вазифасини муваффақиятли бажарган бўлади.

Ҳа, ҳамма куч мана шу ишончда. Муҳаммад ака шу мақсад сари интилмоқда. Интилишлари зое кетмаяпти, албатта. Омма ўртасида катта обрў ва эътибор топганлиги, кўпчилик ишончини қозонганлиги учун ҳам уни Узбекистон ССР «Билим» жамияти VII съездига делегат қилиб сайлашди. Съездда у лекторлик санъати ва маҳорати ҳақида ўз ҳамкасбларига сўзлаб беради.

Ж. МУМИНОВ,
Ж. НОСИРОВ.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

ЁШ МЕХАНИЗАТОРЛАР ЎЧОҒИ

Ҳозир қудратли техника билан қуролланган қишлоқ хўжалигимизни механизатор кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, КПСС XXIV съезди қарорларида таъкидлаб кўрсатилганидек, кўп жиҳатдан механизаторларнинг билим даражасига, уларнинг янги техникани мукаммал эгаллаб олганликларига боғлиқдир. Худди ана шуларни кўзда тутиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш, республика халқ хўжалигини механизатор ва ишчи кадрлар билан таъминлаш ҳақида махсус қарор қабул қилдилар.

Акмал Икромов номли 15-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти бундан роса ўн йил муқаддам. 1-«Пискент» совхозининг чорвачилик фермаси базасида ташкил қилинган эди. Шундан бери билим юртини 3700 дан ортиқ йигит-қиз битириб чиқди. Улар областимизнинг колхоз ва совхозларида комплекс механизациялашган бригада ва звено бошлиғи каби вазифаларда ишламоқдалар. Шулардан 370 киши Совет Иттифоқининг орден ва медалларига сазовор бўлган. 660 киши олий ўқув юртлари ва техникумларда ўз билимини оширмоқда.

Бу ерда 300 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуси, 500 киши сиғадиган клуб, техника учун гаражлар, ёзлик ва қишлик ошхона ва бошқа бинолар қурилиб, ишга туширилди. Мевазор боғ барпо қилинди.

Билим юртининг ўқув хўжалигидан ҳар йили 90—100 минг сўмдан даромад олинади. 1970 йилда ҳар гектар ердан 44,5 центнердан ҳосил йиғилди. Пиғим-терим 9 иш кунида бажарилди, ҳосилнинг 90 проценти машиналар билан терилди. 1971 йилда эса 41 центнердан ҳосил етиштирилиб, 96 проценти машиналарда йиғиштириб олинди, терим 7 иш кунида адо этилди. Ўқув хўжалигида янги пахта навлари синовдан ўтказилади ва бошқа илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади.

Ўқувчилар машиналардан самарали фойдаланишни пухта ўргандилар, уларни бошқаришда малака ҳосил қилдилар. Тупроқни экишга тайёрлаш, ўғитлаш, қатор ораларини ишлаш, экинларни озиқлантириш, пахтани машинада териб олиш, ташиш ишлари бевосита ўқиш билан боғлаб олиб борилади. Билим юртининг базалари ҳисобланган 1-ва 2-«Пискент» совхозлари, «Гулистон» колхози, 1-«Оҳангарон» совхози далаларида ва устахоналарда ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасидан ўтадилар. Кейинги икки йил ичида билим юртимизни 700 дан ортиқ малакали механизатор битириб чиққан.

Механизатор кадрларга талаб ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, йирик хўжаликлар ҳузурида билим юртининг филиали ҳисобланган қисқа курслар ташкил қилинмоқда. Бундай курслар асосан пахта йиғим-терими олдидан ташкил қилинади. 400 дан ортиқ йигит-қиз шу курсларда ўқиб, пахта териш машинаси ҳайдовчиси деган гувоҳнома олди.

Ўзбек қизларидан механик-ҳайдовчилар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги беш йил мобайнида 726 қизжувон ана шундай гувоҳнома олди. Уларнинг аксарияти «Зангори кема»ларни моҳирлик билан бошқариб, ҳар мавсумда 150—160 тоннадан пахта термоқдалар.

Лекин, шуни айтиш керакки, областнинг баъзи районларида аёл механизаторларга ишончсизлик билан қараш, қулай меҳнат шароитлари яратиб бермаслик ҳоллари содир бўлмоқда. Масалан, Ўрта Чирчиқ районида 270 қиз-жувондан 1970—1971 йилларда фақат 50 киши машина штурвалига ўтирди. Бўка районида эса 147 ўрнига 20, Пискент районида 169 ўрнига 25 қиз-жувонга терим машиналари берилди. Биз шу районлардаги колхоз-совхозларнинг раҳбарларига кескин эътироз билдирамиз. Баъзан, ўқишни битириб келган механизаторга эски трактор берилади, паст иш ҳақи тўланадиган ишга қўйилади. Ремонт вақтида ўртача ҳақнинг 50—60 проценти тўланади. Натижада баъзи механизаторлар бошқа ишларга ўтиб ишлашга мажбур бўлади. Ёш механизаторларга бир қатор имтиёзлар берилишини колхоз-совхоз раҳбарлари унутмасликлари керак.

«Узсельхозтехника» раҳбарларига ҳам бир қатор эътирозларимиз бор. Янги техника биринчи навбатда билим юртларига берилиши ҳақида махсус қарор бўлишига қарамасдан, бизга янги техника ниҳа учундир бошқа хўжаликлардан кейин ажратилади. Бизда асосан ўзбек хотин-қизлари таълим олишади. Лекин, ўзбек тилида ўқув адабиётлари, диафильм ва кинофильмлар жуда кам.

1971—1972 ўқув йилидан бошлаб билим юрти техникумга айлантирилди ва ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланди. Энди унга фақат тўлиқсиз ўрта маълумотли ёшлар қабул қилинади. Улар 3 йил давомида махсус таълимдан ташқари тўлиқ ўрта маълумот оладилар. Биз ўқувчиларга механизаторлик дипломи билан бирга ўрта маълумот олганлиги ҳақида ҳужжат ҳам берамиз.

Ҳозир 620 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуси қуриб битказилиш арафасида турипти. Кейинги икки йил ичида 178 минг сўмлик янги техника сотиб олинди.

Билим юрти педагоглари зиммасига катта масъулият юкланган. Улар ўқувчиларни техникага ва ўз ишларига муҳаббат руҳида тарбиялашлари, қишлоқ хўжалиги учун етук механизатор кадрлар тайёрлашлари керак. Механизаторлар эндиликда қишлоқда асосий ва ҳал қилувчи куч бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунда ҳаммадан ҳам механизаторнинг ҳиссаси каттадир. Биз билим юртимиз ўқувчиларида механизаторлик касбини улуғлаш ҳиссини уйготишга ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берамиз. Ҳар йили билим юртини битириб чиқувчилар билан донгдор механизаторларнинг учрашувлари ташкил қилинади, янги қабул қилинган ўқувчилар эса тажрибали механизатор-ўқитувчилар раҳбарлигида иш олиб борадилар. «Ёшлар—техникани эгалланг», «Менинг севимли касбим» деган тематик кечалар, экскурсиялар ташкил қилинади.

Билим юртининг коллективи шу кунларда техникани пухта эгаллаган, ғоявий чиниққан, ўз касбининг устаси бўлган механизаторларни кўплаб тайёрлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверади.

М. ЖАББОРОВ,
Пискентдаги А. Икромов номли қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг директори.

ҒАЛАБАНИ ШАРАФЛОВЧИ ҚЎШИҚЛАР

Қўшиқ-совет солдатининг ажралмас дўсти. Даҳшатли синов йилларида қўшиқ солдатни ертўлада ҳам, ўрмонда ҳам жангга руҳлантириб турди, Берлин кўчаларида солдат билан бирга одим ташлади.

9 май куни Тошкентдаги «Пахтакор» стадиони узра солдат қўшиқлари янгради. Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик музикасининг I-республика фестивали қатнашчилари бу қўшиқларни ижро этишди.

Кўпгина йигма оркестрлар ва хор коллективлари ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Улар Улуғ Ватан уруши даврида юзага келган ажойиб куйларни томошабинларга совға қилишди. Партияни, совет жангчисининг шавкатини мадҳ этувчи, мамлакатимиз кишиларига баҳодирона куч бахш этган халқларнинг ленинча дўстлигини шарафловчи қўшиқлар тантанали янгради.

(ЎзТАГ).

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

Она Ватанимизнинг озодлиги учун муқаддас жангларда қурбон бўлганлар хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди. Ватан учун, халқ учун жон фидо қилганлар ҳеч қачон унутилмайди. Шаҳар ва қишлоқларда, шиддатли жанглар бўлиб ўтган майдонларда, биродарлик қабристонларида улар учун ёдгорликлар ўрнатилган. Бу ёдгорликлар совет кишилари учун энг азиз ва муқаддас жой ҳисобланади. Чунки, эл-юрт деб ҳалок бўлганлар хотирасини халқимиз ҳамиша эъзозлайди. Тошкентдаги Ленин номли маданият ва истироҳат боғида Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда ҳалок бўлган, Улуғ Ватан урушида жон фидо қилган Ўзбекистоннинг комсомол жангчилари хотираси учун ёдгорлик қад кўтарди. Ёшлар шу ёдгорлик остига анъанавий баҳор байрамини ўтказиш учун тўпланадилар. Уқувчилар пионер сафига кираётиб, шу ёдгорлик ёнида Ватанга садоқат ҳақида қасамёд қиладилар.

Суратда: ҳалок бўлган комсомоллар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ).

СССРнинг 50 йиллигига бағишлайман

Акмал ПЎЛАТ

ТУН ВА КУН ДОСТОНИ

КПСС XXIV съезди Директиваларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорларида Мирзачўлни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Шоир Акмал Пўлат партия ва ҳукуматимизнинг бу тарихий ва ҳаётий қарорларидан илҳомланиб «Тун ва кун достони» номли музикали композициясини ёзиб тугаллади. Газетхонлар эътиборига ана шу асарни ҳавола этяпмиз.

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

1. Бахши.
2. Асрор чўпон
3. Сулаймон — Асрор чўпоннинг ўғли
4. Фарҳод
5. Ширин

Халқ, созандалар, раққосалар, хонанда ва қиз-йигитлар.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1916 йил. Бекобод. Қадимий афсоналар диёри. Бир томонда Фарҳод тоғи, бир томонда Ширинсой... Ўртада Сирдарё жилваланиб оқмоқда, Икки қиргоқ қақроқ чўл. Ғам-аламли музика садоси остида парда очилади. Бахши кўбуз билан мунгли куйламоқда.

БАХШИ — Қиргий деган қуш ўлтирар қиёда
Не сирлар ўтмади ушбу дунёда,
Мен қилайин сизга ажиб ҳикоят,
Бу ҳикоят эмас, асли риоят,
Золим шоҳлар, беклар ўтган замонда,
Мирзачўлда — у Бекобод томонида
Яшар экан Асрор деган бир чўпон,
Тилаб-тилаб олган ўғли Сулаймон,
Яхши билар эди саҳро тилини
Унинг тўрт фаслини, ою, йилини.
Яхши билар эди бўрон туришин,
Булутларнинг қайси томон юришин.
У пиёда кезган Мирза чўлини
Юлдуз санаб, топган сўқмоқ йўлини.
Қўбузини олар экан қўлига
Қўшиқ тўлиб келар экан кўнглига.
Фарёдидан кўкни қопларди оҳи,
Поёнсиз чўл қисматининг гувоҳи.
(Ария ўқийди чўпон)

АСРОР фиғони — Замонанинг ханжари дўстлар юрак-бағримни қон этди,
Очилган лолазоримни мисоли бир хазон этди,
Юзимни сўлдириб, рангимни, найлай заъфарон этди,
Аёвсиз ғам-алам дўстлар букиб қаддим камон этди.
Оғир кунларга қолдик қаддимиз мисли камон бўлди,
Адолат ўрнига зулм ошди бу қандай замон бўлди,
Ғаниблар, камбағаллар ҳоли кундан-кун ёмон бўлди,
Алам тиғи билан бу чеҳралар мисли сомон бўлди.
(Куй ўзгаради)
Ҳажр ўтида чекканларим доим азобдур,
Тортган жабру ситамларим элга китобдур.
Зулм аҳлидан доим менга аччиғ хитобдур.
Ўртанди диллар қайғуда бағрим кабобдур.
Найлай мен энди дўстларим девоналар бўлиб,
Бахт ахтариб куйдим қаранг бу чеҳралар сўлиб.
Бизга яшаш кун бормикин завқлар билан кулиб,
Тортган жабру ситамларим элга китобдур.
(Қайғули музика давом этмоқда.)

БАХШИ —
Емғир ювар баланд тоғлар тошини,
Ким тўхтатар халқнинг аччиқ ёшини?..

АСРОР НОЛАСИ —
Дўстларим айтинг нега бахтим менинг кулмайди ҳеч
Нега бу хасрат балоларга дучор ўлмайди ҳеч,
Бек, амирлар янчилиб тезроқ гули сўлмайди ҳеч,
Кекса кўнгилга севинчлар, ишвалар тўлмайди ҳеч.

АЕЛЛАР ноласи —
Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун,
Бу дунёда бормикин бағри бутун.
Бу дунёда бор бўлса бағри бутун,
Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтин.
Бормидир бағри бутун бу дунёда,
Ғам билан қоврилди-ку бағрим доғда
Ғам билан қоврулган бағрим доғда
Топарми шодлигини ҳеч дунёда?

БАХШИ —
Асрор чолнинг ёлғиз ўғли Сулаймон
Отасидек чўлда сарсон-саргардон.
Ўткир эди ақли, идроқ, зеҳни ҳам,
Отасига савол ташлар дам-бадам.
(Сулаймон кирди, отасига дуч келди.)

СУЛАЙМОН —
Отажоним, сизга берай бир савол,
Жавоб қилинг, агар бўлса бемалол.
Нима учун тоғни Фарҳод қўйганлар,
Фарҳод исмин чағир тошга ўйғанлар.
Не сабабдан сойнинг номи Ширинсой,
Не сабабдан бу жой, дада, қадамжой?

АСРОР —
Баҳор бўлмай арғумоқлар чопармн,
«Ҳайт» демаса бедов тоғдан ошармн!
Ташналикдан қуми, саҳро қақшайди,
Саратонда чўл дўзахга ўхшайди.
Бордир бунда халқ тўқиган афсона,
«Фарҳод-Ширин» афсонаси баҳона.

БАХШИ —
Бу афсона янгиланди неча бор
Доноларнинг нақлида тикрор ва такрор.
Назмда ҳам, насрда ҳам сўзланди,
Ҳаммасида халқ орзуси кўзланди.
Малика қиз Ширин ҳуснн ой бўлган,
Достони ҳам мисли тошқин, сой бўлган.
Халқ, одобда тенги йўқ доно экан,
Бу оламда ягона барно экан.
Ошиқ бўлган Ширинга шоҳ, ҳоқонлар,
Бегу, амир, шаҳзода, султон, хонлар.
Ҳеч бирига малика қиз кўнмаган,
«Ғаҳ» деганда қўлларига қўнмаган.
(Саҳна орқасида гўзал Ширин кўринади.)

ШИРИН —
Билиб қўйсин мени дилдан севганлар,
Тушндамн ё ўнгида кўрганлар.
Даркор эмас менга давлат, ғавҳар, мол,
Иш кўрсатсин ошиқ юракдан ҳалол.
Сирдарёни бўғсин марду майдон эр,
Сув чиқарсин бу саҳрога бўлса шер.
(Ширин ғойиб бўлади.)

БАХШИ —
Фарҳод эди унинг асл ошиғи,
Марди-майдон, муҳаббат ярашуғи!
Наъра тортиб Мирзачўлга йўл олди,
Жасоратда жаҳонга довруқ солди.
Бир ботмонлик катта кетмон қўлида,
Ҳайрон қолган оломон ўнг, сўлида.
Тош кесарди тоғда Фарҳод ҳайқириб,
Ер-дўстларни Сир бўғишга чақириб.
(Фарҳод кўринади.)

ФАРҲОД ҚУШИҒИ —
Сабо этгил, саломимни етургил куйи дилдора
Паришон ҳотиримдан арзани қил нозанин ёра.
Баён этгил юзин ёди билан қилган фиғонимни,
Этар шояд келиб кўҳкан ҳолга пазора.
Нигорим лаб очиб сендан агар аслин савол этса,
Хўтандандир мусофир, севги саҳросида овора.
Эмиш юртида Фарҳоди бу ерда тоғ қазувчидир,
Матоҳ ҳуснн олмоққа келибдир ушбу бозора.
Менга учмоқ кўринмиш шавқи бирла бу жафо тоғи,
Нигорим шарбати васлида ва мен ташна бечора.
(Фарҳод ғойиб бўлади.)

БАХШИ —
Тўқинланди дарё Фарҳод зарбидан,
Ўт чақнади катта кетмон дамидан.
Томошага келди кўплаб халойиқ,
Ботирликда Фарҳод мақтовга лойиқ.
Бўлди талқон осмон ўпар азм тоғ,
Маликанинг қалбида ёнди чироқ.
Малика қиз у томонга шошилди,
Иш бошига қадам ранжида қилди.
(Ширин канизаклари билан Фарҳод қаршисида.)

ШИРИН ҚУШИҒИ —
Ҳуш келибсиз меҳрибон меҳмонимиз,
Кўнглимизнинг мулкида султонимиз.
Бизга эҳсон этдингиз ҳоқонимиз,
Йўлларингизга фидо бу жонимиз
Соҳиби эҳсонимиз ҳуш келдингиз.
(Фарҳод шарафига ашула ва ноғора базм)

БАХШИ —
Ана қаранг ўртага қора дев тушди,
Пок севгига минг бир бало ёпишди.
Ҳисров шоҳ ҳам Мирзачўлга от солди,
Топталгандан кўҳна замин дод солди.
Ҳисров берди катта қўшинга фармон,
Етирди саҳрога бир тунда бордон.
Кирди тунда гўзал Ширин қасрига
Етайин деб маликанинг васлига.
Маликага қараб деди Ҳисров шоҳ:
Шартингизни ўринладим бағоҳ.
Нигоҳ ташланг бўғилди жайҳун, асов,
Сирдарёнинг йўлига солдим чўнг ғов,
Ана қаранг Мирзачўлга сув келди,
Шу сув билан қадимий орзу келди.
Чўлда ойнинг нури тушиб бордонга
Чайқаларди худди сувдек ҳар ёнга.
Ширин кўрди, бу ҳийлага ишонди.
Обиҳаёт жамолидан қувонди.
Ширин жонин отди оташ, оловга,
Рози бўлди хотинликка Ҳисровга.
Тонг отганда Ширин ўрнидан турди,
Сув ўрнида ошиқ бордонни кўрди.
(Алданган Ширин фарёд кўтаради).

ШИРИН —
Дод дастингдан фалак!
Фарёд дастингдан фалак!
Э, фалак чархинг бузилсин мунча ҳор этдинг мени,
Кўзларимда қонли ёшим шашқатор этдинг мени,
Оҳ чекарман зор йиғлаб шум рақиблар дастидан,
Катта Сир бўйида қатра сувга зор этдинг мени.
Мен кетарман бу жаҳондан жонажонлар алвидо,
Сиз учун жоним фидо қилдим ёронлар алвидо.
Тингласин кенг водийлар Ширин қизин овозини
Жисми жоним қуйди ўтда меҳрибонлар алвидо.
Алвидо эй севикли Фарҳодим — жоним,
Алвидо баҳодир, соҳиб қироним! Алвидо Алвидо!
(Ширин заҳар ичиб ўлади).
(Ширин ўлди).

БАХШИ —
Малика бу дамда сиқарди заҳар,
Унга аза тутди чўл-саҳро, шаҳар.
Бу ҳолни эшитди тоғдаги Фарҳод,
Аламга чидолмай, кўтарди фарёд.
Куч билан кетмонни отди осмонга,
Сўнгра у бошини қўйди ҳарсангга.
Кетмон тушиб чопди Фарҳод бошини,
Дарёдай оқизди халқнинг ёшини.
(Қайғули музика садоси остида халқ ноласи).

ХАЛҚ НОЛАСИ —
Бевафо дунёда роҳат кўрмайин ўтган Ширин,
Зор йиғлаб юз балоларга дучор бўлган Ширин.
Орзусига етмайин кулфат билан тўлган Ширин,
Евларнинг дастидан яроқ кабн сўлган Ширин.
Қатра роҳат ҳам фароғат кўрмайин ўтмоқда эл,
Кекса дунё лаззатин ҳеч тотмайин ўтмоқда эл,
Боғу бўстонларда ўйнаб-кулмайин ўтмоқда эл,
Зори йиғлаб юз балоларга дучор бўлган Ширин.

БАХШИ —
Шундан бери қанча замонлар ўтди,
Қамчидан қон томгаи, бек, хонлар ўтди.
Эркига зор бўлиб ўтди доолар,
Орзу ва умидда асл барнолар.

ХОР —
Бўлиб бу юртимиз озод, ҳама халқ бахтиёр бўлсин.
Ҳама халқ бахтиёру барча миллат дўсту ёр бўлсин.
Зилол сувлар тўлиб оқсин, ҳаёт мангу баҳор бўлсин.
Бутун эл шоду, тинчлик, мамлакатда барқарор бўлсин.
Кел эй, Фарҳод, бутун дашту биёбонларга жон кирсин,
Тақир чўлга ҳаётбахш бир мусаффо тоза қон кирсин.
Қадимий ташна ерларга ажиб шуҳрат ва шон кирсин,
Ҳамма қишлоқ, шаҳар, боғларда тўю— ёр-ёр бўлсин.

Ҳозирги яшнаб турган Бекобод, Мирзачўл. Бир-биридан чиройли, салобатли иморатлар, улкан қурилишлар, боғ-роғлар, кўм-кўк пахтазорлар кўзга ташланиб туради. Асов Сирдарё янги изга қараб мағрур оқмоқда. Бу кун бу ерда катта тантана,— пахта байрами. Карнай-сурнай, ноғора. Базм давомда.

ЯЛЛА
(Қизлар айтади)
Сирдарёнинг соҳилида уйларингиз,
Мунча ширин шўх-ўйноқи куйларингиз.
Табриклайман чўлқуварлар, дилдан сизни,
Қутлуғ бўлсин шодиёна тўйларингиз.
Янги чаман боғ яратдик, Мирзачўлда,
Гуллар унди мардлар босган ёруғ йўлда.
Бахтимизга омон бўлсин йигит-қизлар,
Саҳро, қаранг, таслим бўлди қучли қўлда.
Тўлқин уриб оқар доим жўшқин дарё,
Дарё эмас, бағри тўла меҳригиё.
Туганмасдир, унда пахта, олтин кони,
Сенга менинг муҳаббатим дунё-дунё.
(Куй ўзгаради).

БАХШИ —
Ёпирай тушимми, ўнгимми, дилшод,
Миллионлаб туғилди элимда Фарҳод.
Россиядан балқиб чиқди бир қуёш,
Абадий қуриди кўздан оққан ёш.
Зулмдан қутқазди шонли инқилоб,
Миллионлар бошига нур сочди, офтоб,
Асрор бобо созни олиб қўлига,
Наъра тортиб бутун Мирзачўлига,
Яшнаган чаманда бахтиёр, озод,
Октябрь шаънига айтади баёт.

ҚУШИҚ —
Кенг жаҳонга нур сочган
Саодатга йўл очган.
Қуллик кишанин янчган,
Яша, улуғ Октябрь!
Кундай ёруғ йўлимиз,
Кўкка етар қўлимиз.
Бўстон бўлди чўлимиз,
Яша, улуғ Октябрь!
Партиямиз байроқдор,
Ёвни қилдик торумор.
Ватанда мангу баҳор,
Яша, улуғ Октябрь!
(Куй ўзгарди).

БАХШИ —
(Ўқийди)
Яша Улуғ Октябрь қувонч бахтимиз
Нур сочар Москва пойтахтимиз
Илму-фан ҳунарга макон элимиз,
Чексиз ютуқлардан шодон дилимиз.
Коммунистик партия зафарлар боши
Эрксевар халқларнинг порлоқ қуёши.

ҚУШИҚ —
Озод, фаровон ҳур гулистонм,
Оламга машҳур чаман, бўстонм.
Қуёш ўлкаси мангу баҳорим
Чиройга тўлган Ўзбекистонм.
Гул очар, яшнар, обод боғларинг.
Тупроғинг олтин, кондир тоғларинг,
Дилни яйратар хушнуд чоғларинг,
Иқболи кулган Ўзбекистонм.
Ҳамма халқларинг қардоши қадрдон,
Совет юртига қойилдир жаҳон.
Ўғил-қизларинг ботир, қаҳрамон
Шонларга тўлган Ўзбекистонм.
Олга бошлайдн партия устоз,
Улуғвор ишлар яхши, аъло, соз.
Қўшиқ янграйди тинмай баҳор, ёз,
Иқболи кулган Ўзбекистонм.
(Куй ўзгарди. Лапар)

ҚИЗЛАР —
Ер-ёр айтиб келдик бизлар тўйингизга,
Чин юракдан жўр бўламиз куйингизга.

ИИГИТЛАР —
Жон тасаддуқ ишда ўзган ҳур қизларга,
Ҳар бир сўзи ширин-шакар дур қизларга

ҚИЗЛАР —
Йигитларга ярашади бедов оти,
Аҳдни бузмас асл йигит, шерлар зоти.

ИИГИТЛАР —
Гувоҳ бўлсин катта тўйда келин-қуёв
Пахтазорга айланади қақир яйлов.

ҚИЗЛАР —
Она Ватан бўз ерларга сизни йўллар,
Қўлингизда сайқал топсин, саҳро чўллар.

ИИГИТЛАР —
Ипак дурра ярашибди, қош устига,
Шартингизни бажарамиз бош устига.

ҲАММА —
Ер-ёр айтиб келдик бизлар тўйингизга
Чин юракдан жўр бўламиз куйингизга.
(Куй ўзгарди)

ҚУШИҚ
Пахтакор қиз дилнавоз,
Юрагида эҳтирос,
Кузлари мисли чарос,
Сирдарёнинг қизлари.
Боғида булбул, тўрғай,
Куйласа мафтун қилғай,
Ҳаёти бахтга тўлгай,
Сирдарёнинг қизлари.
Ишда илдаму илғор,
Доимо мард фидокор,
Чеҳраси кулган баҳор,
Сирдарёнинг қизлари.
Меҳнатсевар барно қиз,
Қоши қоп-қора қундуз,
Бири ой, бири юлдуз,
Сирдарёнинг қизлари.
(Қизғин байрам базми давом этмоқда).

БАХШИ —
Эл уфурса ҳосил бўлади бўрон,
Саҳроларга солар даҳшат ва сурон.
Янги ҳаёт мисолидир Мирзачўл,
Ўзбекистон жамолидир Мирзачўл.
Пахтазору, олмазору, боғнинг соз,
Фарғонага ўхшаб кетган чоғнинг соз.
Сирдарёда яшар қирқ беш хил миллат,
Ҳаммаси қон-қардош, бир жон,бир элат.

ҚУШИҚ —
Саодатли Ватанда барча миллат қон-қардошим
Қозоғу, туркману, тожик, чин ўрток, мангу иулдошим.
Заковотли улуғ рус халқи этди бизни миннатдор,
Мен ўзбек ўғлиман бахтли, ҳамма эл қон-қардошим.
Жаҳонда борми ҳеч шундай советлар юртидек обод.
Ҳаёт қувноқ, фаровон, ғамни билмас ҳамма ҳуррам шод
Элимнинг фикри-зикри тоабад тинчлик шиоридир,
Мен ўзбек ўғлиман бахтли ҳамма халқ қон-қардошим.

БАХШИ —
Мирзачўлга улфат қузғун, зоғ эди,
Қўкрагинн эзган шўрҳок, доғ эди.
Бағрида ёнарди гармсель, олов,
Қум эзарди юрагини беаёв,
Зулм-истибдоднинг куни битганда,
Улуғ Октябрнинг тонгги отганда,
Ҳали жанг уқларни узилмай кети,
Эълон қилинганди Ленин декрети.
Унда Мирзачўлнинг ўйлаб келгусин,
Езилган — ўзгартмоқ даркор чўл тусин
Ленининг орзуси ошди амалга,
Сирдарё сувлари оқди каналга.
(Куй ўзгарди)

ҚУШИҚ —
Севган гул фасли баҳорим, лолазорим келдилар,
Ҳам кўнгил мулкида бўлган гул баҳорим келдилар.
Халқ ишига доимо содиқ баҳодир қаҳрамон
Чўлни бўстон айлаган мард пахтакорим келдилар.
Белни боғлаб қанча-қанча дўсту ёрим келдилар.
Пахтакорим келдилар, эй Мирзачўл қўйнингни оч.
Гулга чулғансин бу водий янги ГРЭС нурингни соч.
Бир умри бедаво дардингга сен тоқдинг илож,
Энди дерсан: қиш кетиб ёзим, баҳорим келдилар,
Шаҳду шарбатга тўлиб, олма, анорим келдилар.
(Куй ўзгарди)

ХОР —
Севимли жонажон шонли партия,
Сен билан яшнайди бу азиз диёр.
Улғайдик ўзингдан олиб тарбия,
Сен билан ҳамма тинч, ҳамма бахтиёр.
Ўзингсан қалбимиз, ўзингсан устоз,
Ўзинг бор — халқимиз яшар шод-омон,
Йўл очдинг фазога, биз қилдик парвоз
Советлар юртига қойилдир жаҳон.
Сени дер Ватаннинг кекса ва ёши,
Саҳроларда янги бўстон яратдик.
Ўзингсан бизларга башар қуёши,
Кенг жаҳонга шони-шуҳрат таратдик.
Покиза диллардан ҳайқириб учар,
Халқлар тинчлигини ёқлаган овоз.
Сафимиз урушнинг йўлини тўсар
Тинчлик посбони партия устоз.

МЕТРО ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ

Пойтахтимиз йил сайин чиройи очиб бормоқда. Янги-янги турар-жой массивлари, равон кўча ва йўллар, ҳиёбон ҳамда боғларга асос солинмоқдаки, улар шаҳримиз ҳусни, жамолини янада очиб юбормоқда. Шунга қарамай, янги Тошкент қурилиши ҳамон давом этяпти.

Ҳа, қурилишлар, бунёдкорлик ишлари кўлами ниҳоятда кенг. Чунонча, Тошкент метрополитени қурилиши ҳам тезкорлик билан олиб борилмоқда. Уни «Главтоннелметострой»га қарашли Павел Энис бошлиқ 2-тоннел отряди проходкачилари амалга оширмоқдалар. Шу кунгача отряд бунёдкорлари пойтахтимизда яна бир тоннель қурилишида жонбозлик кўрсатган эдилар. У ҳам бўлса диаметри 3,6 метрни ташкил этган шаҳар марказий Универмагини иссиқлик билан таъминловчи коллектордир.

Тошкент метроси қурилишини жадаллаштираётган отряд ишчи-хизматчиларининг аксарияти ўз касбининг моҳир усталари, тажрибали мутахассислардир. Масалан, 2-смена бошлиғи Алексей Чупин бошлиқ проходкачилар бригадасини олиб кўрайлик. Ўртоқ Чупин шу дамгача олти шаҳарда тоннел қурилишида иштирок этган, жаҳонга машҳур Москва метрополитенини бунёд этишда унинг ҳам муносиб улуши бор.

Маълумки, метрополитен қурилиши босқичма-босқич амалга оширилади. Жумладан, 9 станцияни бирлаштирган ҳамда узунлиги 12 километрни ташкил этувчи дастлабки босқичщаҳарнинг жанубн-ғарбий қисмидан — Дўстлик станцияси трассасидан бошланади. Қурувчи ҳамда мутахассисларнинг фикрича улар дастлабки уч станцияни — «Фарҳод», «Муқимий» ҳамда «Революция сквери» станцияларини 1974 йилда пардозлашга тоширишмоқчи.

В. ТАРАН.

Спорт

ЯНА ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари мамлакат биринчилиги мусобақаларида кетма-кет учинчи ғалабани қўлга киритдилар. Улар 8 май куни Кишиневнинг «Нистру» коллективини қабул қилиб, рақиблар дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар. Иккала тўпни команда капитани Эркин Абдураимов киритди. Тошкентлик футболчилар етти ўйиндан сўнг 10 очкони қўлга киритдилар. Бу ҳамшаҳарларимизга турнир жадвалида пешқадамлар сафида мустаҳкамланиб қолиш имконини берди. Навбатдаги учрашув эртага «Черноморец» билан бўлади. Бу ўйиндан сўнг ўзбек футболчилари сафарга жўнайдилар.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Аёллар ўртасида шаҳмат бўйича жаҳон биринчилиги учун Нона Гаприндашвили билан Алла Кушнир ўртасида матч бошланди. Мусобақа Рига шаҳрида ўтмоқда. Кеча 16 партиядан иборат бу беллашувнинг биринчи учрашувида Гаприндашвили оқ доналар билан ўйнади.

САРАЛАШ МУСОБАҚАСИ

Яқин кунларда тошкентлик бокс мухлислари олимпиада ўйинлари олдидан ўтадиган катта мусобақанинг шоҳиди бўладилар. Марказий «Юбилей» спорт залида бокс бўйича СССР биринчилиги учун саралаш мусобақаси ўтади. Зона биринчилигида СССР ва Европа чемпионатининг ғолиблари ва иштирокчилари қатнашишади. Республикамиз спорт шарафини СССР халқлари V спартакиадасининг ғолиби Р. Рихсиев, СССР кубогининг совриндори А. Қодирохунов, Бутуниттифоқ мусобақаларининг нешқадамлари И. Муллаев, П. Чединовскнх, Б. Усмонов, Р. Раҳмонов, Ҳ. Содиқов ва бошқалар ҳимоя қиладилар.

Учрашув 18 майдан 21 майгача давом этади. Ғолиблар 14—18 июнда Москвада катта ринг даврасида — финалда қатнашадилар.

Ака-ука Николай ва Александр Анфимовларга саралаш мусобақаларида қатнашмай, тўғридан-тўғри финалда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Улар яқин кунларда халқаро мусобақаларни ўтказиш учун чет элга жўнайдилар.

АБАДИЙ ЁДГОРЛИК

Ғалаба кунн тонгида эл қатори оққўрғонликлар барвақт уйғонишди.

— Байрамингиз билан табриклайман.

— Ғалаба куннингиз қутлуғ бўлсин.

Бундай сўзларни ҳар бир оғиздан эшитиш мумкин эди. Сочларига оқ оралаган, лекин йиллар қаддини бўколмаган уруш ветеранлари орден ва медалларини тақиб район марказидаги салобат тўкиб турган мемориал ёдгорлик томон йўл олишди.

Ветеранлар оғир ва машақатли жангларни, шу қутлуғ кунни кўролмай Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган қуролдошларини эслашди.

— Даврон Ҳудойбеков билан бирга фронтга жўнаган эдик, — деб эслайди иккинчи ва учинчи «Шуҳрат» орденн эгаси, собиқ пулеметчи пенсионер М. Худойбердиев. Ҳамқишлоғимиз душман билан қаҳрамонларча жанг қилди. Озмунча немис газандасини ер тишлатмади дейсизми.

Афсуски дўстим ғалаба кунини кўролмади. Қардош Украина учун бўлган шиддатли жангларда ҳалок бўлди.

Евгений Уткин ҳам Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилди. Мард, довюрак бу йигит беқиёс жасорати туфайли энг юксак мукофотга — Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган шарафли номга сазовор бўлди. Евгений 1945 йилнинг февраль ойи охирида, ғалабамизга саноқли кунлар қолган пайтда ҳалок бўлди.

Ғалаба кунида мемориал ёдгорлик ёнида ўтказилган митингда оққўрғонликлар фронтда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлари жасоратини ёдга олишди, бу ҳақда ёшларга сўзлаб беришди.

Я. Редкин билан А. Редкина хотираларини ҳамма эътибор билан тинглади. Бу икки фронтдош оловли жангларда бир-бирига кўмак берди. Ҳамшира бўлиб ҳизмат қилган А. Редкина жангчи Я. Редкинни жасорати ва матонати учун севиб қолди. Улар фронтда уруш тугагач оила қуришга аҳдлашишди. Эндиликда улар фаровон ва тотув турмуш кечиришмоқда. Ғалаба кунида мемориал ёдгорлик ёнида очилган жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати клуби уруш ветеранлари хотираси учун ажойиб эсдалик бўлди. Залга киришингиз билан чап томондаги стендлар сизга оққўрғонликларнинг уруш йилларида кўрсатган жасорати ҳақида ҳикоя қилиб беради. Бу ерга қўйилган ҳужжатлар, фотографиялар, бошқа экспонатлар оққўрғонликлар жасорати ҳақида сўз юритаётгандек туюлади.

Ўнгдаги залга фидокорона меҳнати туфайли элда обрў топган район пахтакорлари, чорвадорлари, пиллакорлари ва бошқа меҳнат аҳли ишлари билан таништирувчи турли экспонатлар қўйилган.

Жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати мемориал комплекси тантанали очилиши катта байрамга айланиб кетди. Митингни Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари С. М. Тоиров очди. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, Жданов номли 3-мактаб ўқитувчиси Абдулла Аҳмедов, районда колхоз тузумининг дастлабки ташкилотчиларидан бири бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, пенсионер Мадраим Юнусов, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси директори Василий Петрович Рогачев, Ҳамза номли 6-ўрта мактаб ўқувчиси комсомол аъзоси Насиба Усмонова, Султон Сегизбоевнинг синглиси Рисолат Сегизбоева, механизациялашган 9-кўчма колонна ходими Людмила Редкиналарнинг сўзларини бу ерга йиғилганлар эътибор билан тинглашди. Улар фронтда жонини фидо қилганлар номини абадий эслашга, оталаримизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттиришга чақиришди.

Совет Иттифоқи гимни янгради. Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Калиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсупов, уруш ветерани, район ижроия комитети раиси А. Сойбназаров, район ҳарбий комиссари А. Абдуҳолиқовлар қизил лента олдига келадилар. Бу ерга йиғилганлар обелиск ва ёдгорлик ўрнатилган тепаликка кўтариладилар. Лента тантанали вазиятда қирқилгандан кейин жанговар ва шон-шуҳрат музейини томоша қилиш бошланади.

Мемориалнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тантанада Тошкент область партия комитети секретари Б. А. Абдураззоқов, Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. А. Раҳматхўжаева ўртоқлар иштирок этдилар.

У. ШАРОПОВ,
И. АЛИМОВ.

Оққўрғондаги Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар учун ўрнатилган мемориал олдида уруш қатнашчилари ўзаро суҳбатлашишмоқда.

МАҲАЛЛАДА ҒАЛАБА БАЙРАМИ

8 май оқшом пайти эди. Октябрь районидаги Янгишаҳар маҳалласида шоднёна музика садоси янграй бошлади. Маҳалланинг муҳташам клуб-зали ва гулзор ҳовлиси Ғалабани, Тинчликни мадҳ этувчи лавҳалар, турли шиорлар қизил алвонларга зарҳал ҳарфлар билан битилиб безатилган.

Музика садолари ҳамон янграмоқда. Кўчалар бўйлаб ёшлар-кексалар, хотин-қизлар саф-саф бўлиб шу томон келишади. Маҳалла активлари фармонбардорлар. Меҳмонларни зўр ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишади. Улар орасида Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ҳам бор. Ватан бахт-саодати учун қон тўккан бу сиймолар алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қаршн олинади. Ҳа, бугунги шодиёна неча шу Улуғ Ватан урушининг мўътабар қатнашчиларини ғалаба куни билан қутлаш, фронтда ҳалок бўлганларни хотирлаш ва уларнинг етим қолган фарзандларини, муштипар оналарини, жафокаш оталарини, вафодор хотинларини самимий олиқ сўзлар билан кўнгилларини хушнуд этишга бағишланган эди.

Мана, зал одамлар билан лиқ тўла. Президиумда уруш қатнашчилари ўтиришибди. Кечани маҳалла комитетининг раиси, тарих фанлари кандидати Ҳурсанд Мелиқулов очди.

Шундан кейин Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари — 1-пойафзал фабрикаси 2-цехининг донгдор ишчиси Раззоқ Абдусатторов, шахсий пенсионер Абдуллаев Ҳуснидин, Бутуниттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Ш. Қосимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишади. Улар ўз бошларидан кечган оғир дамларни, уруш йилларида совет халқининг Ватан учун фронтда ва мамлакат ичкарисида олиб борган инсонят тарихида мисли кўрилмаган қаҳрамонлиги ҳақида қисқа-қисқа сўзлаб беришади.

Кеча охирида маҳалла ва Октябрь район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари катта концерт кўрсатишади.

Янгишаҳар маҳалла жамоатчилиги Ғалаба байрамини ҳар йили шу каби шодиёна тарзда кутиб олади. Маҳалла жамоатчилигининг шундай ибратли ишлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам у республикамизда ном таратмоқда. Хайрли ишда маҳалла комитети аъзоларининг фаолиятида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

М. ИБРОҲИМОВ.

Жаҳон янгиликлари

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТУҲФАСИ

ДАККА, 10 май. (ТАСС). Бу ерда совет теплоходи — «Иматра»ни Бангладеш Халқ Республикаси ҳукуматига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Теплоходни топшириш маросимида Бангладеш Халқ Республикасининг саноат министри С. Н. Ислом бундай деди: «Биз Совет Иттифоқининг бу беғараз ва биз учун жуда қимматли бўлган туҳфасини мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли равишда ривожланиб бораётган самимий дўстлик рамзи сифатида қабул қиламиз». С. Н. Ислом мамлакатдаги вайронгарчиликни тугатишда Совет Иттифоқи бераётган ёрдамни юксак баҳолаб, «Совет Иттифоқи ривожланаётган ёш мамлакатларга сиёсий, иқтисодий ва техникавий ёрдам бериб, тинчликсевар ташқи сиёсат йўлини қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда, бу сиёсатга дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленин пойдевор қўйган эди», деб таъкидлади.

Бангладеш халқи ва ҳукумати номидан С. Н. Ислом Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик ва ташаккур айтгач, СССР билан Бангладеш ўртасидаги дўстлик алоқалари иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, Осиёда ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

ОЗОДЛИК КУЧЛАРИ ҲУЖУМНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

● САЙГОН ҚЎШИНЛАРИНИНГ КОНТУМ РАЙОНИДАГИ АЯНЧЛИ ТАҚДИРИ ● КАМБОДЖА ВА ЛАОСГА БОСТИРИБ КИРГАНЛАРНИНГ ТАЛАФОТИ ОРТМОҚДА ● АҚШ АВИАЦИЯСИ ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ОЗОД ҚИЛИНГАН РАЙОНЛАРГА ЕВУЗЛАРЧА БОМБАРДИМОН ҚИЛИШНИ ТЎХТАТМАЯПТИ.

ХАНОЙ. Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни давом эттирмоқда. Вьетнам Халқ армияси ҳаво кучлари жангчилари 8 майда душманнинг яна иккита самолётини уриб туширдилар. «Нян зан» газетаси хабар беришича Вьетнам Демократик Республикаси ҳимоячилари биринчи апрелдан буён душманнинг 95 самолётини уриб туширганлар. Газета республика қуролли кучлари жангчилари бундан буён ҳам АҚШнинг ҳар қандай агрессив ҳаракатига қарши қақшатғич зарба беришга тайёр эканлигини, Вьетнам Демократик Республикаси суверенитети ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилажагини қатъий ишонч билан таъкидлайди.

НЬЮ-ЙОРК. «В—52» типидаги оғир бомбардимончи самолётлар Жанубий Вьетнамнинг озод этилган районлари устига ёвузларча бостириб кирмоқда. Бугун тунда улар 25 марта учиш қилиб 1700 тонна ўлим юкини ташладилар.

Тактик авиация ва АҚШ 7-флоти кемалари Вьетнам соҳилига ҳужум қилиб жануб ва демилитарлашган зонанинг шимолини тўпга тутмоқда.

Сайгондаги Америка ҳарбий қўмондонлиги бугун Тонкинск кўрфазидаги АҚШ 7-флоти 11-флотилияси қўмондони, контр-адмирал Р. Робинсоннинг ҳалок бўлганлигини маълум қилди.

ПАРИЖ. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари Марказий платода душманнинг мустаҳкамланган пунктларига зарба беришни давом эттирмоқда. Ватанпарварларнинг қисуви натижасида душман «Полей-кленг» ҳарбий базасини ташлаб Контумдан шимоли ғарб томон 15 километр чекинишга мажбур бўлди. Шу шаҳар яқинидаги душманнинг бошқа иккита базаси ватанпарварларнинг кучли артиллерия тўпи остида қолди.

Америка Ҳарбий Штабининг тан олишича, Сайгон қўшинларининг Контумдаги аҳволи аянчлидир.

Ватанпарварлар Биньдинь вилоятида Сайгон ва Жанубий Корея қўшинлари позициясига ҳужум қилмоқдалар.

ХАНОЙ. Маълумотларга кўра Жанубий Вьетнам ватанпарварлари биринчи майдан тўртинчи майга қадар Контум вилоятида душманнинг 517 солдатини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар, 133 солдат ва офицерни асир олдилар, 8 гаубиц, 4 танк, 15 ҳарбий машинани қўлга туширдилар.

ХАНОЙ. Америка авиацияси 8 майда Ниньбинь, Нгеан, Хатинь вилоятларидаги кўпгина районларни, Виньлинь зонаси, шунингдек Хатэй вилоятидаги аҳоли яшайдиган районларни бомбардимон қилди. Бу ҳақда Вьетнам Демократик Республикаси баёнотида хабар қилинади.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ самолётлари Вьетнам Демократик Республикаси устига яна бостириб кирди. Улар Шимолий Вьетнамнинг муҳим портларига кириш йўлларини миналаштирдилар.

АП агентлиги Сайгондаги Америка Ҳарбий қўмондонлиги маълумотига таяниб ана шу ҳақда хабар қилди.

ТОКИО. Японияннг Иокосука портида уч кундан бери турган Америка сувости атом кемаси — «Морской дракон» бугун денгизга чиқди. АҚШ Японияннг бу портини америка 7-флоти кемалари учун доимий база қилиб олиб шу ердан Вьетнам соҳилларида ўзининг агрессив ҳаракатини амалга оширмоқда.

(ТАСС).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

(РЕПОРТАЖ)

ТУРНАЛАР ПАРВОЗ ЭТГАНДА

Тошкентдан бораётиб, Чирчиқ шаҳрига кираверишда, ўнг томонда, Бўзсув каналининг ёқасида сайҳон жой бор эди. Кексаларнинг айтишича, илгаридан бу атрофда хонадон қўрғонликда Улуғ Ватан урушида қурбон бўлган чирчиқлик жангчилар хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик тасвири.

Ярадор турна ёнида сунъий ҳовуз бор. Ҳовузнинг қиррасидаги мармарга, қаттиқ жароҳатлаган «жангчи» ёнига Расул Ҳамзатовнинг тўртлиги ўйиб битилган:

Менинг назаримда қонли
жанглардан
Уйига қайтмаган эл-
фарзандлари,
Она тупроққа бош қўйган
жойлардан
Оппоқ турналарга айланган
бари.

Ёдгорлик монументини ҳайкалтарош Ю. Киселев, архитекторлар, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати С. Сутягин ва Ю. Клиников, инженер-конструктор А. Браславскийлар яратишган.

Герман фашизми устидан қозонилган Ғалаба байрами арафасида ёдгорликнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Чирчиқ шаҳри, Оржоникидзе, Бўстонлиқ районларининг минг-минглаб меҳнаткашлари, уруш ветеранлари, партия ва совет ходимлари иштирок этишди. Халқ оқими тепасида «Сизнинг жасоратингиз асрлар оша унутилмайди», «Ҳеч ким ва ҳеч нима унутилгани йўқ», «Ўлганлар хотирасига муносиб бўлайлик», «Оталар жасорати — фарзандлар қаноти» каби юзлаб шиор ва плакатлар баланд кўтарилган. Шаҳар радиоси тантанали маросимдан репортаж эшиттирмоқда.

— Ёдгорлик қурилишига қизил шанбаликдан тушган маблағ сарфланди, — деди кириш сўзи сўзлаган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Еқубов. — Буни тиклашда шаҳардаги барча саноат корхоналари қўл кучи ва техника билан қатнашди.

Шундан сўнг, уруш ветеранлари, истеъфодаги полковник К. П. Будрин, Чирчиқ электрохимия комбинатининг ашпаратчиси А. Жуманов, пенсионер Е. С. Шаталина, танк билим юртининг курсанти В. Лежепеков ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишди.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг қўмондони, генерал-полковник С. Е. Белоножко қизил лентани кесади. Атрофда ўнлаб замбараклар гумбурлайди, кўкка мушак отилади. Ўртоқ С. Е. Белоножко 1774 чирчиқлик жангчининг рўйхати жойланган замбарак ўқини ёдгорлик пойида махсус тайёрланган мармар «қабр»га қўяди...

Тантанали маросимда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси С. А. Асомов, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин, Тошкент область партия комитетининг секретарлари Б. А. Абдураззоқов, Н. И. Малихин қатнашдилар.

Она — Ватан учун жон фидо қилган солдатлар ўлимдан қўрқмадилар, чунки озодлик учун кураш олдида ўлимни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблашган эди. Улар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, темирйўл вокзалида хотини, ширин-шакар фарзандлари кўзларида ёш билан маҳзун қўл силкиб қолган эдилар. Улар ҳали ҳаёт нималигини англаб етганича йўқ эди, шиддатли жанглардан сўнг окопда ёнбошлаб оналарининг сўнгги қиёфасини эслардилар. Оналари эса темирйўл вокзалида аламли фарёд билан кафтларини юзларига босиб турарди... Муштипар оналар ва бегуноҳ-беғубор фарзандлар кўз ёши, ёрнинг дардли нигоҳи уларни интиқомга чорлади, қалбларига нафрат ўти, бирлакларига эса қувват бағишлади. Ажаб эмас, мана шу икки нарсанинг омухта бўлиши Сталинград жангида герман фашизми инқирозининг бошланишига омил бўлгандир. Ажаб эмас. Рейхстагга жаҳоншумул ғалабадан дарак берувчи ол байроқни қадаётган Совет жангчиларининг кўз ўнгида бир зум фарёдга тўлиқ темирйўл вокзали гавдаланган бўлса...

Ёдгорлик атрофи янги узилган гуллар билан ўралиб, гулқўрғон ҳосил бўлди. Жароҳатланган турна бағридаги мангу булоқ сингари бу гуллар ҳам ҳеч қачон сўлмайди, уларни чирчиқлик 1774 баҳодирнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, ёрлари, қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари, қолаверса, бутун Совет халқи доим янгилаб туради.

Муштипар она айтганидек буюк Ватанимиз шон-шавкати йўлида қурбон бўлган мардлар мангу яшайди.

Ҳа, улар она — Ерга бош қўйган жойларидан оппоқ турналарга айланишган. Бу турналарнинг парвози абадий, улар парвоз қилишда давом этмоқда...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратларда: Чирчиқ шаҳрида бунёд этилган ёдгорлик олдига гулчамбарлар қўйиш пайти.

А. Абалян ва А. Мальцев фотолари.

Реклама ва Эълонлар

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

11, 12, 13, 14 МАЙ КУНДУЗ СОАТ 3 ВА КЕЧ 7 ДА

Замонавий бал рақсларини ижро этувчиларнинг

КОНЦЕРТ-КОНКУРСЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ЛЕНИНГРАД, ТАЛЛИН, КАУНАС, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНОБОД, СВЕРДЛОВСК, НОВОСИБИРСК, ЧЕЛЯБИНСК ва ОМСК шаҳарларининг моҳир рақсчилари иштирокидаги.

БИЛЕТЛАР Марказий «Юбилей» спорт залининг кассасида эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача сотилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади. Справкалар учун телефон: 44-70-81.

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Старшеклассник» программаси. «Қизил изтопарлар», 18.40 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.00 — АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДАН ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ СТУДЕНТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ ОЛИБ КУРСАТИЛАДИ, 21.10 — «Ахборот» информацион программаси. 21.25 — «Бизнинг интервью» (рус тилида). 22.30 — Шоир ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган адабий кўрсатув (ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 11.30 — Зоология, 7-синф, «Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни СССР да муҳофаза қилиш», 12.00 — Кинофильм, 12.25 — Зоология. 7-синф, «Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларнинг СССРда муҳофаза қилиш» (ўзбек тилида).

18.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Рус музикасининг алломалари. М. П. МУСОРГСКИЙ, 2-қисм (ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.50 — Реклама, 21.00 — А. П. ЧЕХОВ. «Бевақт очилган гуллар». (Телевизион спектакль).

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р. 03454 Б. 1746.